

МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ

Насиров Илхам Закирович

т.ф.н., доцент, Андижон машинасозлик институти, Ўзбекистон

2022 йил Ўзбекистонда «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб эълон қилинди. Биз учун бу- энг аввало, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашдир. Бунда жамиятимизнинг асоси бўлмиш маҳалла- ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир [1]. Маълумки, инсон манфаатларини ва маҳалла равнақини ижодий-ижодий изланишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кишилар ўзининг асосий вазифаларини– фуқароларнинг касбий компетенцияларни эгаллашга бўлган эҳтиёжини, маҳалланинг юксак интеллектга эга бўлган мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришни муносиб тарзда бажариши учун олий таълим муассаларининг ўрни бекиёсдир.

Эслатиб ўтамиз, жорий йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида. Президентимиз “Энг катта бойлик– ақл ва билим, энг катта мерос– яхши тарбия, энг катта қашшоқлик– жаҳолатдир” деган эдилар. [2].

Олий таълим муассаларида талабаларнинг таълим, тарбия ва бунёдкорлик кўникмаларини шакллантирилишида мустақил таълимдан кенг фойдаланилади. Мустақил таълим- муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йуналтирилган тизимли фаолиятдир.

Шунинг учун ҳар бир профессор- ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч ўйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина колмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва

қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши лозим [3]:

- ўқишнинг босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусиялarti ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражасини семестр давомида кўникмалар ҳосил булишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашишга ўргатиб бориш керак бўлади.

Мустақил ишни ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- амалий, семинар ва тажриба машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш;
- маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- макет, модел ва бадий асарлар устида ишлаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш, тест, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш;
- амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш [4].

Фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил иш учун бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Талабаларга қайси турдаги топшириқларни бериш лозимлиги кафедра томонидан белгиланади. Топшириқлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, талабаларнинг аудитория машғулотларида

олган билимларини мустаҳкам, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қизиқиши керак.

Мавзуни мустақил ўзлаштириш. Фанинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиқ беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қизиқишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб ушбу мавзуни конспектлаштирадilar, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар етишмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва х.к.) ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар. Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн кафедрада ҳимоя қилинади.

Реферат тайёрлаш. Талабага қийинчилик даражаси, унинг шахсий имкониятлари, қобилияти ва билим даражасига мувофиқ бўлган бирор мавзу бўйича реферат тайёрлаш топширилади. Бунда талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва х.к.) фойдаланиб материаллар йиғади, таҳлил қилади, тизимга солади ва мавзу бўйича имкон даражасида тўлиқ, кенг маълумот беришга ҳаракат қилади. Зарур ҳолларда ўқитувчидан маслаҳат ва кўрсатмалар олади. Яқунланган реферат кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади [5,6].

Кўргазмали воситалар тайёрлаш. Талабага муайян мавзуни баён қизиқиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган кўргазмали материаллар (жадваллар, чизмалар, расмлар, хариталар, макетлар, моделлар, графиклар, намуналар, кичик бадиий асар ва х.к.) тайёрлаш топширилади. Мавзу ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўргазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага топшириш ҳам мумкин. Талаба кўргазмали

материаллардан фойдаланиш бўйича ёзма равишда тавсиялар тайёрлайди ва кафедрада ҳимоя қилади [7,8].

Талабалар мустақил ишини баҳолаш. Мустақил ишнинг натижалари амалдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом"га асосан баҳолаб борилади.

Мустақил ишини баҳолаш мезони. Талаба семестр давомида олдиндан берилган мавзу бўйича иккита мустақил иш бажаради. Мустақил ишни бажаришда, иш ҳажми 8- 10 варақ А4 оқ қоғозга ёзилади ва ишнинг сифатига қараб 1 баллдан 5 баллгача баҳоланади.

Масалан биринчи мавзу бўйича «Интернет»дан олган маълумотлардан фойдаланилган ҳолда реферат қуйидагича баҳоланади:

- рефератда мавзу тўлиқ очилган, схемалардан фойдаланган, тўғри хулоса чиқарилган ва ижодий фикрлар берилган бўлса- 5 баллгача баҳо берилади;
- мавзу моҳияти очилган, фақат хулосаси бор- 4 баллгача баҳо берилади;
- мавзу моҳияти ёритилган, аммо арзимас камчилиги бўлса- 3 баллгача баҳо берилади;
- мавзу моҳияти ёритилган, аммо айрим камчиликлари бор бўлса- 2 баллгача баҳо берилади.

Ўқув семестри охиригача фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича бажарилган рефератлар шу тариқа баҳолаб борилади. Уларнинг натижаларига кўра ўртача 4-5 баҳо олган талабалар иқтидорли талабаларнинг сафига кўшилади.

Иқтидорли талабаларнинг мустақил ишларида кўрсатган ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш мақсадида олий таълим муассасида Ёшлар академияси ташкил этилади. Унда иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиқиб, илмий ғоялар банки шакллантирилади. Ҳудудларда инновацион фаолиятни янада жадаллаштириш, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларга илмий-техник ечимлар таклифини шакллантириш, ҳудудий илмий-тадқиқот лойиҳаларининг тижоратлаштирилишини таъминлаш, аҳолининг, хусусан, ёшларнинг

«махаллабай» тарзда ғоя ва ташаббусларини кўллаб-қувватлаш тизими тўлиқ ташкил этилди [9].

Бунинг учун барча фанлардан мустақил ишларни бажаришда талабаларда яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик кўникмаларини ривожлантириш орқали инновацион фаолиятни янада ривожлантириш зарур.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. 2022 йил «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб эълон қилинди// <https://uza.uz/posts/334354>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//<https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
3. Насиров И.З., Зокиров И.И. Обучение детей творчеству в семье// Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №14 (том 3) (май, 2021). Дата выхода в свет: 31.05.2021. М.: ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». с. 69-74.
4. Насиров, И. З., Косимов, И. С., & Каримов, А. А. (2017). " Морфологик тахлил" методини кўллаб ўт олдириш свечасини такомиллаштириш. Инновацион технологиялар, (3 (27)), 74.
5. Насиров И.З., Капский Д.В. На одного ребенка семь махаллы- родители! ...// Материалы 49-й Всероссийской научно-технической конференции молодых ученых, аспирантов и студентов с международным участием, посвященной 90-летию Башкирской нефти/ ISBN 978-5-93105-486-5, коллектив авторов. – Уфа: Изд-во УГНТУ, 2022. – 837 с. , с. 691-694.
6. Рахмонов, Х. Н., & Насиров, И. З. (2021). Обогащение синтез газом топливовоздушной смеси ДВС. In Матер. Международной научно-практической конференции" Современные технологии: проблемы инновационного развития и внедрения результатов (5 августа 2021 г.)". Петрозаводск: МЦНП" Новая наука" (р. 21).
7. SARIMSAQOV AKBARJON MUMINOVICH and NASIROV ILHAM ZAKIROVICH (2022). PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF MULTIMODAL TRANSPORTATION TECHNOLOGY// Saybold Report (TSRJ): Saybold Publications, Box 644, 428 E. Baltimore Ave. Том 17, № 08

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Ottawa Canada on December 10th, 2022.

www.conferencezone.org

- (2022) | doi.org/10.5281/zenodo.6969371, p. 468-475. СМИ, Пенсильвания, 19063. editor@sayboldreport.org.
8. Sarimsakov Akbar Muminovich, Nasirov Ilham Zakirovich. Increasing the mobility of multimodal cargo transportation in international directions //МАШИНАСОЗЛИК ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ №3, 2022 йил. Андижон: web.andmiedu.uz ISSN 2181-1539, 326-332 б.
9. Nasirov Ilham Zakirovich. Parallel educational and scientific works in higher educational institution //МАШИНАСОЗЛИК ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ №3, 2022 йил. Андижон: web.andmiedu.uz ISSN 2181-1539, 517-522 б.